

Кўп тилларнинг грамматик коидаларида бўлгани сингари, араб тилида ҳам эркак ва аёл жинсини англатган коидалар мавжуддир. Бу кўшимчалар оркали жумла ичидаги бир сўзнинг, мисол учун, бир феълнинг муаннас ёки музаккар эканлигини биламиз. Араб тилида эса бунини ўтган замон феълнинг охирига ва хозирги-келаси замон феълнинг бош харфига «т» харфини қўшиб ёзиш ёрдамида яшамиз мумкин. Куръони Каримда, арабчада «ўргимчак» маъносини берган 29-сура бўлмиш Анкабут сураси бор. Бу суранинг 41-оятида Аллох таоло шундай марҳамат килади:

«Аллохни қўйиб, ўзга дўстлар тутганларнинг мисоли ўзига уй тутган ўргимчакка ўхшайди. Холбуки, энг заиф уй ўргимчакнинг уясидир. Кошки, билсалар эди».

Бу оятнинг арабча матнидаги, бир ишни бажарилиши бошланаётгани ёки бажарилган маъносини берган «Иттахоза» сўзи, муаннас жинсда бўлиб «Иттахозат» бўлиб келмокда. Яъни феъл охиридаги «т» харфи феълнинг муаннаслигини билдириб келмокда. Бу оятда зикр қилинган ўргимчак эса ургочи ўргимчакдир. Бу ҳақда 1984 йил Германиянинг машҳур «Космос» номли журнали, ўргимчак билан алоқадор бир сонини чиқарди. У мақола, олим инсонларнинг мақоласи эди. Унда келтирилган куйидаги сатрлардаги ёзувларни ўқисангиз, хайратланиб, Куръони Карим мўъжизасига яна бир бор гувоҳ бўлганингиздан бахтиёр бўласиз!

Унда: «Ўргимчакнинг тўр тўкиш ва егулик топиш қобилияти фақатгина ургочи ўргимчакларда мавжуддир. Яъни Ислом динининг Пайгамбари беркинган горга қираверишдаги тўрни тоғнинг ургочи ўргимчаги тўкигандир. Хозирги вақтда тоғ ўргимчакларининг эркаклари ҳақида унча кўп илмимиз йўқ. Фақатгина тўр тўкиш хилкатларида мавжуд эмаслигини биламиз, холос», – дейилган.

Абдуллох Раҳимбоев тайёрлади.